Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 6 май, № 90 (9261) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев чарм-пойабзал саноатида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда соҳа корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортни кўпайтириш бўйича қатор чоралар кўрилди. Жорий йил биринчи чорагида чарм саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 962 миллиард сўмни ташкил этиб, ўсиш 25 фоиздан ошди. 2030 йилга қадар чарм-пойабзал саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини 12 триллион сўмга, экспортни 500 миллион долларга етказиш, 12 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, соҳада ишга солинмаган имкониятлар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Республикада катта ҳажмда тери ва жун хомашёси ҳосил бўлаётган бўлса-да, уларни чуқур қайта ишлаш даражаси пастлигича қолмоқда. Хусусан, қўй ва эчки терисини қайта ишлаш даражаси 30 фоиз атрофида. Йилига тайёрланадиган 40 минг тонна жун хомашёсининг эса атиги 6 минг тоннаси, яъни 15 фоизи қайта ишланмоқда.

Тақдимотда корхоналар қувватидан самарали фойдаланиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот улушини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ва Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида чарм-пойабзал саноатига ихтисослаштирилган саноат зоналарини ташкил этиш режалаштирилган. Бу зоналарда ишлаб чиқариш бинолари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, логистика, дизайн ва малака ошириш марказлари барпо этилади. Саноат зоналари бошқаруви Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ҳузурида ташкил этиладиган махсус дирекцияга юклатилади.

Оҳангаронда терини қайта ишлаш корхоналари учун экологик талабларга жавоб берадиган замонавий саноат зонаси ташкил этилади. Республикадаги 32 та терини қайта ишлаш корхонасида сув тозалаш иншоотларининг 70 фоизи эскирган, ягона марказлашган тизим мавжуд эмас. Шу боис янги зонада марказлашган сув тозалаш иншооти қурилиб, кунига 8 минг куб метргача тозаланган сувни технологик жараёнларда қайта ишлатиш имконияти яратилади.

Хомашё базасини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшни давлатлардан мол терисини марказлашган ҳолда импорт қилиш, бу жараёнда тадбиркорларга “ягона дарча” тамойили асосида кўмаклашиш, транспорт харажатларини компенсация қилиш ва қайта ишловчи корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш таклиф этилди.

Майда шохли мол териларини йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида терини йиғиш ва бирламчи ишлов бериш пунктларини ташкил этиш, қайта ишлаш корхоналарини рағбатлантириш чоралари кўриб чиқилди.

Жун хомашёсини қайта ишлашни кенгайтириш бўйича Сирдарё вилоятида янги комплекс ташкил этиш таклиф қилинди. Унинг қуввати 30 минг тонна жунни қайта ишлашга мўлжалланади. Лойиҳа ишга тушса, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш занжири шаклланиб, қўшилган қиймат бир неча баробарга ошади, экспорт ва иш ўринлари кўпаяди.

Пойабзал, шу жумладан, махсус пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлар билан кооперация ва қўшма лойиҳаларни кўпайтириш режалари кўриб чиқилди.

Тақдимотда сунъий чарм ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Жаҳон бозорида йирик брендлар экологик талаблар, нарх ва технологик қулайликлар нуқтаи назаридан сунъий чармдан фойдаланишни кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда 7 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Улар натижасида 50 миллион погон метр маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилиб, ички талабнинг катта қисми қопланади, экспорт ошади.

Давлатимиз раҳбари соҳага берилган имтиёзлар ўз-ўзидан натижа бермаслигини, ҳар бир корхона, лойиҳа ва бозор бўйича аниқ ҳисоб-китоб ва амалий ҳаракат зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларига корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқаро сертификатлар олишда тадбиркорларга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

ТАДБИРКОРЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 май куни ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноатда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, аввал ишга туширилган корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш эса муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Тақдимотда турли сабабларга кўра тўлиқ қувватда ишламаётган ва тушуми камайган корхоналар фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Бундай ҳолатлар асосан тўқимачилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, нефть-кимё, электротехника ва бошқа тармоқларда кузатилмоқда.

Ушбу тоифадаги корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар орасида айланма маблағ етишмовчилиги, коммунал инфратузилма билан боғлиқ масалалар, лойиҳаларнинг кечикиши, ускуналарнинг эскиргани, хомашё занжиридаги узилишлар, маҳсулотга талабнинг пасайиши каби муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Бу муаммоларни ҳал қилиш орқали корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва мавжуд қувватларни тўлиқ ишга солиб, қўшимча 65,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконияти борлиги аниқланди.

Шу боис ҳар бир корхона ҳолатини алоҳида ўрганиб, уларни тўлиқ қувватга олиб чиқиш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди. Бунинг учун мутасадди идоралар ва банклар иштирокида Республика штаби ташкил этилади. Штаб вакиллари жойларга чиқиб, икки ҳафта муддатда корхоналар фаолиятига тўсқинлик қилаётган масалаларни аниқлайди ва уларни жойида ҳал этиш чораларини кўради.

Фаолиятини тиклаш имконияти мавжуд корхоналарга зарур кредит маблағларини ажратиш, айланма маблағ билан таъминлаш, инфратузилма ҳамда хомашё масалаларини ҳал этиш бўйича банклар ва масъул идоралар биргаликда ишлайди.

Тақдимотда тижорат банклари балансидаги йирик мол-мулклар масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Бугунги кунда банклар балансида қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган 70 та мол-мулк мавжуд. Мазкур активларни иқтисодиётга қайта жалб қилиш, уларга инвестор топиш ва ишлаб чиқариш майдонларига айлантириш бўйича алоҳида механизмларни жорий этиш белгиланди.

Тақдимотда инвестиция дастурлари доирасида ишга туширилган лойиҳалар фаолиятини ҳисобга олиш ва уларнинг натижадорлигини баҳолаш масаласига тўхталиб ўтилди. 2021 — 2025 йилларда амалга оширилган қарийб 17 мингта лойиҳа натижасида ишга тушган корхоналарнинг айримлари ўз фаолиятини солиқ ва статистика ҳисоботларида тўлиқ акс эттирмаётгани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга ҳар бир лойиҳани ўрганиб, уларни солиққа тортиш ва статистика ҳисоботларида тўғри акс эттиришни таъминлаш топширилди.

Ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эътирозларига сабаб бўлаётган айрим масалалар ҳамда уларнинг ечими бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг пешлавҳалари ва бренд белгиларини жойлаштириш, умумий овқатланиш ва савдо объектлари учун айрим маъмурий талаблар, меҳнат муносабатларидаги тартиб-таомиллар, нақд пулсиз тўловлар, солиқ имтиёзларини қўллаш, молиявий жарималар, ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳужжатбозлик каби масалалар муҳокама қилинди.

Масалан, амалдаги тартибга кўра, айрим ҳолларда корхона номи, фаолият тури ёки савдо белгиси акс этган пешлавҳалар ҳам реклама сифатида баҳоланиб, улар учун алоҳида паспорт расмийлаштириш ва тўловларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Бу тадбиркорлар учун қўшимча маъмурий юк бўлиши билан бирга савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг танилиши, мижозлар оқими ва тушумига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектининг номи ҳамда фаолият тури тўғрисида бинога жойлаштирилган ахборотни реклама сифатида баҳоламаслик ва бунинг учун тегишли паспортларни расмийлаштиришни бекор қилиш таклиф этилди. Рекламалар ва бошқа ахборот белгиларини жойлаштиришга доир дизайн талабларини тадбиркорлар таклифларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич жорий этиш, юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларига ўз савдо белгисини жойлаштириш тартибини соддалаштириш ташаббуси илгари сурилди.

Умумий овқатланиш корхоналарига қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартибини соддалаштириш, айрим савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектлари учун экологик экспертиза ҳамда компенсация тўловлари билан боғлиқ тартибларни енгиллаштириш таклиф этилди. Шунингдек, меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходим ўртасидаги айрим тартиб-таомилларни аниқлаштириш таклиф қилинди.

Рақамлаштириш ва нақд пулсиз тўловлар йўналишида аҳоли ва бизнес учун қулайликни оширишга қаратилган таклифлар билдирилди. Хусусан, айрим товар ҳамда хизматлар учун тўловларни нақд пулсиз шаклда амалга ошириш амалиёти кенгайиб бораётгани боис, банк инфратузилмаси, комиссиялар ва истеъмолчиларга қайтариладиган кешбэк тизимини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Жисмоний шахсларнинг ўз банк карталари ўртасидаги пул ўтказмаларини комиссиясиз амалга ошириш, нақдсиз тўловларни аҳоли учун қулай бўлган шаклларини кўпайтириш, умумий овқатланиш, алкоголь, тамаки ва ёқилғи сотиш соҳаларида харид чеки бўйича ҳисобланган кешбэкни тезкор қайтариш имкониятини яратиш таклиф этилди. Шу билан бирга, банк карталари орқали амалга ошириладиган операцияларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида жорий этилган антифрод SMS-хабарномалар бўйича харажатларни қайта кўриб чиқиш, мобиль иловалардаги хабарномалар ёки биометрик идентификация каби муқобил ечимлардан фойдаланиш таклиф қилинди.

Солиқ маъмурчилиги ва молиявий жарималар йўналишида солиқ имтиёзларини қўллашда юзага келаётган низоли ҳолатларни бартараф этиш, солиқ қарздорлиги бўйича ҳисобланаётган пеня асосий қарз суммасидан ошиб кетмаслиги бўйича нормани жорий этиш, чек бермаслик ҳолати юзасидан хабар юбориш тизимини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ҚҚС гувоҳномасини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш илгари сурилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни соддалаштириш мақсадида импорт жараёнида бир-бирини такрорловчи ҳужжатларни қисқартириш, тадбиркорларга хорижда савдо уйлари, филиал ва ваколатхоналар очиш учун қулайроқ тартиб яратиш, “Ўзэкспомарказ” имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда миллий маҳсулотларни халқаро бозорларда кенг тарғиб қилиш бўйича таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик учун ортиқча тўсиқларни камайтириш, назорат ва тартибга солиш механизмларини соддалаштириш, рақамлаштириш жараёнларини бизнесга қўшимча юк эмас, қулайлик яратадиган воситага айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга мавжуд саноат қувватларини тўлиқ ишга солиш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда тадбиркорлар учун қулай шароитларни кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

ЎзА.

Ўзбекистон — Малайзия:

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида Малайзия билан ҳамкорликда “Ислом цивилизациясида илмий анъана: манбалар, имкониятлар ва долзарб масалалар” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

У икки мамлакат ўртасида илмий-маърифий алоқаларни янада бойитиш, буюк аждодларимиз яратиб қолдирган маънавий меросни ҳамкорликда тадқиқ қилиш ва оммалаштириш масалаларига бағишланди.

Конференцияда Малайзия қироличаси Ража Зарита София ҳазрати олиялари ҳам иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Малайзия алоқалари олис илдизларга эга. Буюк Ипак йўли ҳар икки минтақани асрлар давомида боғлаб келган. Имом Бухорий, Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино сингари алломаларимиз асарлари Малайзия ҳудудига юз йиллар аввал кириб борган, таълим масканларида ўқитилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Малайзия Олий ҳукмдори Султон Иброҳим Исмоил раҳнамолигида икки дўст давлат ўртасидаги тарихий алоқалар янги босқичга кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг ғоя ва ташаббуслари билан барпо этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази нафақат юртимизда, балки бутун минтақада ислом тамаддуни ва Шарқ маданий меросини ўрганишга ихтисослаштирилган йирик илмий-маърифий марказ сифатида шаклланмоқда.

➡ 4

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Фарук билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Мулоқотда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар сўнгги йилларда жадал ривожланиб, стратегик шериклик янги босқичга кўтарилаётгани таъкидланди. Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида урғу берилиб, мазкур жараёнда парламентларнинг ўрни муҳим экани қайд этилди.

Шунингдек, икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи парламентлараро мулоқотни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-логистика соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Маданий-гуманитар алоқаларни, таълим, туризм ва илм-фан йўналишидаги шерикликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига, икки давлат халқлари манфаатлари йўлида белгиланган режалар фаол амалга оширилишига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга, судларнинг юкламасини камайтиришга, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга, фахрийларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини белгилашга, камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида яхлит тизимни шакллантиришга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Фахрийларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари мустаҳкамланмоқда

Мажлисда дастлаб “Фахрийлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Мудофаа вазири Ш. Холмуҳамедов маъруза қилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда фахрийлар, айниқса, Ватанимиз ва халқимиз тараққиёти учун бутун умрини бахшида қилган кекса авлод вакиллари доимий ва тизимли қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

➡ 2

ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН



Тошкент — Хива — Тошкент йўналишида “Жалолиддин Мангуберди” поезди қатнови йўлга қўйилди.

Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Хушхабар

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида кенг кўламли трансформация ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 5 май кунидан бошлаб халқимиз узоқ кутган юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий “Жалолиддин Мангуберди” йўловчи поезди “Тошкент-Марказий” вокзалидан Хоразм вилоятининг Хива шаҳрига илк қатновини расман бошлади.

➡ 4

КУН ТАРТИБИДА – КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАР

Самарқанд шаҳрида “Тараққиёт чорраҳаси: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажагини илгари суриш” мавзуида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши давом этмоқда.

Анжуман

Тадбир давлат органлари вакиллари, хусусий сектор етакчилари, ривожланиш бўйича ҳамкорлар ҳамда инноваторларни бир майдонга жамлаб, минтақавий ўзаро боғлиқлик, рақамли инновациялар ва ривожланишни молиялаштириш соҳаларида амалий ечимларни муҳокама қилишга қаратилган.

➡ 3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 6 май

ТУРКИЯНИНГ «БУЮК БИРЛИК» ПАРТИЯСИ РАИСИ ЮҚОРИ ПАЛАТАДА

Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси, "Ўзбекистон — Туркия" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи ҳамраиси Алишер Агзамхўжаев Туркия Республикаси "Буюк Бирлик" партияси раиси Мустафо Дестижи билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Унда икки мамлакат ўртасида парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар шерикликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ўзаро ишончга асосланган алоқалари натижасида Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги стратегик шериклик даражасига кўтарилиб, сўнгги йилларда дўстона алоқалар, жумладан, парламентлараро мулоқот барча соҳада изчил ривожланиб бораётганига алоҳида урғу берилди.

Якунда парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш, жорий йил апрель ойида Истанбул шаҳрида Олий Мажлис Сенати ва Туркия Буюк Миллат Мажлиси ўртасида имзоланган 2026-2027 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" бандларини бажаришда ҳамкорлик қилишга келишилди.

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Жамила Бобоназарова Тошкент шаҳрида ўтказилган "Биродар шаҳарлар — 2026" биринчи халқаро илмий-амалий анжуманида иштирок этди.

Жараён

Мазкур нуфузли тадбирда 10 дан ортиқ хорижий давлатлар шаҳар маъмуриятлари раҳбарлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар, давлат ва жамоат тузилмалари, олий таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, етакчи халқаро экспертлар қатнашди.

Анжуманда ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш, хорижий шаҳар ва туманлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатларни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Экология, туризм, таълим ва инновациялар соҳаларида қўшма ташаббусларни амалга ошириш, илғор тажрибалар алмашиш ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган таклифлар илгари сурилди.

Таъкидланганидек, "биродар шаҳарлар" институти халқ дипломатиясининг самарали воситаси бўлиб, у мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, маданий яқинликни ошириш ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуман доирасида "Биродар шаҳарлар — халқ дипломатиясининг ёрқин намунаси" мавзуида халқаро конференция, миллий ҳунармандчилик кўргазмаси ҳамда маҳаллий ва хорижий шаҳарлар ўртасида ҳамкорлик ва биродарлик тўғрисидаги битимларни имзолаш маросимлари ўтказилди.

Қайд этилганидек, имзоланаётган келишувлар ва йўлга қўйилаётган янги шериклик муносабатлари ҳудудлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Анжуман якунида иштирокчилар "биродар шаҳарлар" форматини янада кенгайтириш, унинг институционал асосларини мустаҳкамлаш ҳамда амалий натижадорлигини ошириш бўйича ҳамкорликни изчил давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

ТАЪЛИМ ВА ИНФРАТУЗИЛМА ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маруфова Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида бўлиб, ҳудуддаги муаммоларни ўрганди.

Дастлаб сенатор туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 305 ва 353-мактабгача таълим ташкилотларига ташриф буюрди. Унда тарбияланувчилар сони ва улар учун яратилган шарт-шароитлар, бино-иншоотларнинг ҳолати ҳамда таъмирлаш ишлари кўздан кечирилди. Аниқланган муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, сенатор 8-умумтаълим мактабида бўлиб, таълим-тарбия жараёни билан танишди. Муассасада таълим сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан бирга, мавжуд муаммолар муҳокама қилинди. Мактаб ҳудудида қўшимча ўқув биноси қуриш масаласи кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, ушбу лойиҳа 3 мингга яқин ўқувчилар таҳсил олаётган муассасада таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўрганишлар якунида масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛОВ АМАЛИЁТИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Туркия Республикаси Конституциявий суди делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига ташрифи доирасида "Ўзбекистон ва Туркия Республикалари Конституциявий судлари: замонавий конституциявий одил судлов амалиёти, тизимли ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик" мавзуида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М. Абдусаломов кириш сўзи билан очиб, мазкур мулоқот икки давлат конституциявий судлари ўртасида умумий ҳуқуқий қадриятлар, устувор тамойиллар ва замонавий ёндашувларни атрофлича муҳокама қилиш учун муҳим платформа эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, замонавий шароитда конституциявий судлар зиммасидаги вазифалар янада долзарб аҳамиятга эга. Рақамлаштириш жараёнлари, глобаллашув, янги ҳуқуқий муносабатлар ва жадал ижтимоий ўзгаришлар суд ҳокимиятидан инновацион ёндашувларни талаб қилаётир. Шу нуқтаи назардан, тизимли ривожланиш нафақат институционал ислоҳотларни амалга ошириш, балки ҳуқуқий тафаккурни янгилаш, суд қарорлари сифатини ошириш ҳамда уларнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтиришни ҳам назарда тутади.

Халқаро ҳамкорлик мазкур жараённинг ажралмас қисми ҳисобланади. Конституциявий судлар ўртасидаги мулоқот ва тажриба алмашиш ҳам амалий жиҳатдан фойдали бўлади, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэътироф этилган стандартларни шакллантиришга хизмат қилади.

Маълумот учун айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 2026-2027 йилларда Осиё конституциявий судлари ва эквивалент институтлар ассоциациясига раислик қилмоқда. Туркия Республикаси Конституциявий суди эса бой тарихий тажрибага эга бўлиб, Европа ҳамда Осиё ҳуқуқий анъаналари туташган нуқтада шаклланган етакчи конституциявий назорат органи ҳисобланади. Туркия Республикаси Конституциявий суди билан амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш ҳар икки томон учун ўзаро манфаатлидир.

Давра суҳбатида замонавий конституциявий одил судлов амалиёти, минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари юзасидан фикр алмашилди. Муҳокамалар натижалари эса икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, қўшма ташаббусларни илгари суриш ҳамда конституциявий одил судлов соҳасида тажриба алмашишни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратади.

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА



1 Бугунги кунда фахрийлар учун яратилган имтиёзлар турли норматив ҳужжатларда белгиланган бўлиб, тарқоқ ҳолда амалга оширилмоқда. Бу ҳолат ушбу йўналишдаги ишларни ягона тизимга мужассамлаштиришни талаб этяпти.

Қонун лойиҳаси билан фахрийлар мақоми, тоифалари ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари белгиланмоқда. Шунингдек, фахрийларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, имтиёз ҳамда кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Лойиҳага кўра, муайян бир соҳа, тармоқ ёки касбда узоқ йиллар мобайнида виждонан намунали меҳнат қилиш орқали давлат ҳамда жамият эътирофига сазовор бўлган жисмоний шахсларга фахрий мақоми берилади.

Мазкур мақомни олган фуқаролар санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловларини олиш, солиқ ва пенсияга оид имтиёзлардан фойдаланиш каби қатор ҳуқуқларга эга бўлади.

Шунингдек, фахрийларнинг амбулатор даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиши, маданият ва кўнгилочар муассасалар (спорт, театр, моддий маданий мерос объектлари) ҳамда музейларнинг пуллик хизматларидан имтиёзли фойдаланиши белгиланмоқда.

Фахрийларга бериладиган барча имтиёз ва кафолатлар қонун билан белгиланиб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада мустаҳкамланади. Фахрийларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлар тартибга солинади.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар кўтарилди. Айрим фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шуҳрат ЁҚУБОВ,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси:



— Қонун лойиҳасида фахрийларнинг 6 та тоифаси назарда тутилган бўлиб, жумладан, "меҳнат фахрийлари" институти киритилган. Бироқ 12-моддада белгиланган талаблар (давлат мукофотлари, кўкрак нишони, пенсияга устама олиш каби мезонлар) мазкур тоифага кириш доирасини сезиларли даражада чеклаб қўймоқда. Бу ҳолат қонуннинг ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Чунки фахрийлик мақоми фақат формал рағбатлантириш чоралари билан эмас, балки шахснинг кўп йиллик меҳнат фаолияти, жамият ривожига қўшган амалий ҳиссаси ва ижтимоий аҳамияти билан баҳоланиши лозим.

Шу муносабат билан қонун лойиҳасининг 12-моддасида назарда тутилган мезонларни қайта кўриб чиқиш ҳамда қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: "Меҳнат фахрийси" мақоми давлат мукофотлари мавжудлигидан қатъи назар, камида белгиланган иш стажига эга бўлган, ўз меҳнат фаолияти давомида давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшган шахсларга ваколатли органлар хулосаси асосида берилиши мумкин". Мазкур ёндашув ҳужжатнинг қамров доирасини кенгайтиради, ижтимоий адолатни таъминлайди ҳамда амалда фахрийлик институтининг мазмун-моҳиятини тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилади.

Мажлисда кўтарилган саволларга қонун лойиҳасига масъуллар томонидан атрофлича изоҳ берилди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик халқаро стандартларга мослаштирилади

Депутатлар техник тартибга солиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилди. Ушбу ҳужжат соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий тизимни халқаро стандартларга мослаштиришни назарда тутади.

Қонун лойиҳаси билан "Метрология тўғрисида", "Стандартлаштириш тўғрисида", "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида" ҳамда "Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Лойиҳада ўлчаш воситаларини қиёслаш амалиётини босқичма-босқич верификация қилиш жараёни билан алмаштириш белгиланмоқда. Яъни ҳар бир ўлчаш воситаси махсус талабларга қанчалик аниқ жавоб беришини янада пухта ва халқаро қоидалар асосида текшириш тизими жорий этиляпти.

Бундай текширувларни ўтказадиган ташкилотлар учун эса "авторизация", яъни расман рухсат бериш тизими яратиляпти. Бу орқали энди ҳар қандай ташкилот эмас, балки давлат томонидан махсус талабларга жавоб берадиган ишончли ташкилотларгина ўлчаш воситаларини верификация қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Янги тартибга кўра, энди стандартлар асосан ихтиёрий бўлади. Давлат назорати ва молиявий жазоларга оид айрим нормалар бекор қилиниши орқали тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Шу билан бирга, "корхона стандарти" тушунчаси жорий этилиб, бизнес субъектларига ўзи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун стандартлар ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси:



— Ҳужжат билан тадбиркорларни қийнаб келган айрим ортиқча талаблар бекор қилинади. Масалан, маҳсулотларни мажбурий рўйхатдан, баъзи ҳужжатларни эса қайта рўйхатдан ўтказиш талаби олиб ташланади. Жарималар ҳам хавф даражасига қараб қайта кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси билан аккредитация тизими ҳам такомиллаштирилиб, халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Бу Ўзбекистонда берилган сертификатларнинг бошқа давлатларда ҳам тан олинишига ёрдам беради. Умуман, янги қонун орқали тизим соддалашади, шаффофлик ошади ва тадбиркорлар учун янада қулай муҳит яратилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Низосиз ишларни ҳал қилиш осонлашади

Мажлисда низосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси, аввало, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади. У билан низосиз ишларни кўриш осонлашмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларидаги суд буйруғи тартибида кўриладиган айрим низосиз талабларга оид ишларнинг доираси қайта белгиланмоқда. Жумладан, энди ижара тўловлари, кўп квартирали уйлардаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қарздорликни ундириш билан боғлиқ талабларнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан кўп бўлган тақдирда суд томонидан буйруқ тартибида кўриб чиқилади. Мазкур миқдордан кам бўлган низосиз талабларга доир ишлар нотариуслар томонидан кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси билан "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунда ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган сумманинг миқдори нотариус томонидан бундай нотариал ҳаракатни амалга оширганлик учун сарфланадиган ҳақиқий харажатлар миқдорига мувофиқлаштирилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволларни кўтарди.

Зуҳриддин МАВЛОНОВ,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси:



— Дарҳақиқат, низосиз ишлар мажбурий тартибда судда кўрилиши шарт эмас. Шу сабабли, суд буйруғини чиқариш доирасини қисқартириб, судларнинг иш юкламасини камайтириш ҳамда ушбу турдаги ишларни нотариал органларга ўтказиш концепциясини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Бироқ ушбу ислоҳотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаслиги ўта муҳим. Аммо Фуқаролик процессуал ҳамда Иқтисодий процессуал кодекслар талабларини Адлия вазирининг "Нотариуслар томонидан ижро хатларини ёзиш тартиби тўғрисида"ги Низом билан солиштирганимизда, мазкур Низомда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларига таъсир қилувчи қатор нормалар мавжуд. Яъни эътироз билдирилганда, ижро хатини бекор қилиш масаласи ва муддати ўтганида муддатни тиклаш масаласи Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомда мавжуд эмас. Шу боис ушбу Низом юқоридаги кодекслар талабларига қатъий мувофиқлаштирилиши шарт.

Қонун ташаббускорлари томонидан бу бўйича атрофлича тушунтириш берилиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар кўтарган масалаларга эътибор қаратилиши қайд этилди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Божхона назоратини четлаб ўтишга қарши жавобгарлик кучайтирилади

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат —"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига давлат чегарасини кўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ҳужжат аҳоли тинчлиги, мамлакатимиз хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлигини мустаҳкам ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан давлат чегараси орқали товар-моддий бойликлар, хорижий валюта, қимматбаҳо металлар ва бошқа предметларни ноқонуний олиб ўтиш, божхона назоратини четлаб ўтиш билан боғлиқ жавобгарлик кучайтирилмоқда. Хусусан, давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний қурилган иншоотлар, туннеллар ёки бошқа инфратузилмадан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланаётир.

Шу билан бирга, давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний қурилган иншоотлар ва туннеллардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки давлат чегарасидан ўтиш учун ҳам жавобгарлик кучайтириляпти.

Қонун лойиҳасида давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний иншоотлар ва туннеллар қуриш, инфратузилма барпо қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда мазкур фаолиятни молиялаштириш учун ҳам алоҳида жиноий жавобгарлик жорий этилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Меҳнат муносабатлари соддалаштирилмоқда

Меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда обдан муҳокама этилди. Ҳужжат юзасидан камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари М. Жўраев маъруза қилди.

Мазкур ҳужжат билан амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган. Хусусан, ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилмоқда. Таклиф этилаётган тартибга кўра, фуқарони ишга қабул қилишда, асосан, унинг шахсий идентификация рақами талаб этилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар эса ҳарбий гувоҳнома ёхуд ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим этиши лозим.




Қонун лойиҳасида меҳнат жараёнида тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишга доир нормалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, бундай ҳолатларни тақиқлаш, уларнинг олдини олиш ва жабрланган ходимларни ҳимоя қилиш чоралари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, иш берувчи томонидан иш ҳақи тўлаш муддати бузилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун пулли компенсация тўлаш тартиби аниқлаштирилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Депутатлар томонидан қатор саволлар кўтарилди.

Туйчи ЁҚУБОВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:



— Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган 17^4-моддада Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилмоқда. Ушбу тизимга маълумотларни ўз вақтида киритмаслик ёки нотўғри киритиш, умуман, масъуллар томонидан техник амалларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги иш берувчини маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлиши қанчалик тўғри?

Қонун лойиҳасига масъуллар бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Транспорт вазирлигидан маълум қилинишича, Тошкентнинг янги халқаро аэропорти қурилиши шу йил июнь ойида бошланади.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши замонавий халқаро муносабатлар ва иқтисодий тараққиётда янги босқич бошланаётганини англатувчи муҳим воқеа, десак, муболаға эмас. Мазкур форум глобал иқтисодиётдаги чуқур ўзгаришлар, геосиёсий беқарорлик ва технологик инқилоб шароитида давлатлар олдида турган устувор вазифаларни белгилаб беришга хизмат қилмоқда.

Фикр



Айни пайтда дунё миқёсида иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделлари ўз аҳамиятини тобора йўқотиб бораётир. Таъминот занжирларидаги узилишлар, энергетик хавфсизлик муаммолари ва рақамли технологиялар таъсирида жаҳон иқтисодиёти қайта шаклланмоқда. Ана шундай шароитда Самарқанд форуми каби йирик платформалар нафақат муаммоларни муҳокама қилиш, балки уларга амалий ечим топиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари форумда иштирок этиб, ўз нутқида Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган халқчил ва ҳаётий ислоҳотларнинг моҳиятига урғу берди.

Айтилганидек, ислоҳотларда асосий эътибор ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилашга қаратилмоқда. Натижада ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли даромади оширилиб, камбағаллик даражасини қарийб 35 фоиздан бугунги кунда 5,8 фоизга туширишга эришилди.

Яъни кейинги салкам 10 йил давомида Ўзбекистондаги ислоҳотлар фақат макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга эмас, балки аҳолининг реал турмуш даражасини оширишга қаратилган. Бу эса “инклюзив ўсиш” деб аталадиган концепцияга тўлиқ мос келади. Унинг асосий тамойили — иқтисодий ривожланиш самараси жамиятнинг барча қатламларига тенг тақсимланиши керак дегани.

Сўнгги йилларда 150 миллиард долларлик инвестицияларнинг жалб қилиниши, экспорт ҳажмининг уч баробар ошиши ва иқтисодиёт ҳажмининг 147 миллиард долларга етгани, албатта, муҳим кўрсаткичлардир. Аммо бу рақамлар ортидаги энг асосий натижа — аҳоли фаровонлигининг ошгани.

Хўш, бу натижага қандай эришилди? Аввало, иқтисодиётни либераллаштириш ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратилди. Иккинчидан, ижтимоий ҳимоя тизими такомиллаштирилди. Учинчидан, таълим ва касб-ҳунар тайёрлаш тизими орқали инсон капитали ривожлантирилди.

Форумда рақамли трансформация ва сунъий интеллект масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда ҳам сунъий интеллект хабини яратиш, дата марказларни кенгайтириш ва суперкомпьютерларни ишга тушириш каби ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Марказий Осиё — Европа “яшил энергетика коридори” ташаббуси минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини ифодалайди. Бу лойиҳа нафақат энергия етказиб беришнинг янги йўналишларини шакллантиради, балки минтақа давлатларини глобал “яшил иқтисодиёт” занжирига тўғридан-тўғри интеграция қилиш имконини ҳам яратади. Шу тариқа Марказий Осиё мамлакатлари фақат ички энергия эҳтиёжларини қондириш билан чекланиб қолмай, балки қайта тикланувчи энергияни экспорт қила оладиган стратегик ҳудудга айланиш сари қадам ташлайди.

Транспорт ва логистика масалалари ҳам форум доирасида марказий йўналишлардан бири сифатида кўриб чиқилди. Бугунги глобал иқтисодиётда савдо алоқаларининг самарадорлиги, аввало, замонавий транспорт инфратузилмасининг қай даражада ривожланганига бевосита боғлиқ. Чунки маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб бориш муддати, харажатлар даражаси ва логистика занжирининг узлуксизлиги умумий иқтисодий рақобатбардошликни белгилайдиган асосий омиллардан бирига айланган.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси стратегик аҳамият касб этади. Ушбу йўлак орқали Марказий Осиё минтақаси Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муҳим транзит кўпригини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Лойиҳа амалга ошса, юк ташиш масофаси ва вақти сезиларли қисқаради, логистика харажатлари эса камаяди. Шу билан бирга, CAREC (Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури) доирасида “Рақамли божхона ва логистика альянси”ни ташкил этиш ташаббуси ҳам муҳим институционал ислоҳот сифатида баҳоланади. Ушбу ташаббуснинг асосий мақсади — божхона жараёнларини рақамлаштириш орқали ортиқча маъмурий тўсиқларни қисқартириш, савдо операцияларини тезлаштириш ва шаффофликни оширишдан иборат.

Бу муаммонинг яққол мисоли сифатида Орол денгизи инқирози келтирилади. Бир вақтлар минтақанинг йирик сув ҳавзаси бўлган Оролнинг қуриши нафақат экологик фалокат, балки иқтисодий таназзул ва ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Ерларнинг шўрланиши, балиқчилик соҳасининг йўқолиши, аҳоли бандлиги ва турмуш шароитига салбий таъсир — буларнинг барчаси экологик масала ортида қанчалик кенг қамровли оқибатлар ётишини кўрсатади.

Қисқача айтганда, Самарқанд форумида илгари сурилган ташаббуслар комплекс характерга эга бўлиб, иқтисодиётнинг барча асосий соҳаларини қамраб олган. Энг муҳими, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи йўналишлардан иборат.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ушбу ташаббусларни амалга ошириш учун молиявий ва институционал асослар яратилмоқда. Агар мазкур ғоялар изчил амалга оширилса, Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё яқин йилларда барқарор ҳамда жадал ривожланаётган минтақалардан бирига айланади.

Шавкат ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Очиқ ва барқарор тараққиёт йўли

Президентимизнинг Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишидаги нутқи мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичи, унинг устувор йўналишларини чуқур ва атрофлича очиб берди. Мазкур нуфузли анжуманнинг юртимизда ўтказилиши, аввало, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ортиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, мамлакатимизда олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг амалий натижаси, дейиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Акс садо

Халқаро ҳамкорлик ва ислоҳотлар уйғунлиги



Фирдавс КУРБОНОВ,
қўмита аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган стратегик ташаббуслар, хусусан, рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш, инновацион инфратузилмани шакллантириш каби йўналишлар мамлакатимиз рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари”ни тайёрлаш каби ташаббуслар келажакка қаратилган узоқ муддатли инвестиция сифатида қаралиши зарур.

Шунингдек, “яшил” энергетикани ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш улушини ошириш бўйича белгиланган вазифалар глобал иқлим ўзгаришлари шароитида долзарб аҳамиятга эга. Бу нафақат экологик барқарорликни таъминлаш, балки иқтисодиётнинг янги драйверларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Нутқда илгари сурилган яна бир муҳим йўналиш — транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш, янги халқаро йўлакларни шакллантириш масаласи. Хусусан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли каби йирик лойиҳалар бутун минтақа учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, савдо-иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиқади.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорликни чуқурлаштириш, ягона иқтисодий ва туристик макон яратиш бўйича билдирилган таклифлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Бу ташаббуслар минтақа барқарорлиги, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биз, депутатлар учун мазкур ислоҳотлар ва ташаббусларни қонунчилик жиҳатидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш устидан парламент назоратини кучайтириш устувор вазифадир. Шунингдек, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, инновацияларни рағбатлантириш ва хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Янги стратегик йўналиш



Отабек МУСУРМОНОВ,
қўмита аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишидаги нутқи мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг янги босқичга кўтарилганини яққол намоён этди. Бу нафақат халқаро майдондаги позициямизни белгилаб берди, балки Янги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли тараққиёт модели, устувор йўналишлари ва глобал иқтисодий жараёнларга муносабатини аниқ ифода қилди.

Глобал хавф-хатарлар шароитида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Логистика занжирларидаги узилишлар, энергия ресурсларига талабнинг ортиши ва иқлим ўзгариши каби омиллар янги ёндашувларни талаб қилаётир. Шу нуқтаи назардан, “яшил” энергетика, транспорт коридорлари ва минтақавий ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ташаббуслар стратегик аҳамиятга эга.

Хусусан, Марказий Осиё — Европа “яшил” энергетика коридори, рақамли логистика тизимлари ва янги транспорт йўлакларини бўйича илгари сурилган таклифлар нафақат иқтисодий, балки геосиёсий жиҳатдан ҳам муҳим. Мазкур ташаббуслар Ўзбекистонни минтақада муҳим транзит ва энергетик марказга айлантириш имконини беради.

«Халқ сўзи».

КУН ТАРТИБИДА – КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАР

1 Тадбирнинг навбатдаги кун дастури доирасида қатор сессиялар ташкил этилди. Жумладан, “Рақамли инфратузилма — Осиё ва Тинч океани минтақасида иқтисодий барқарорлик, рақобатбардошлик ва инклюзивликнинг асосий омили” мавзуидаги семинарда рақамли инфратузилма ва технологияларни жорий этиш, инвестиция эҳтиёжлари, молиялаштиришдаги бўшлиқлар ҳамда соҳавий сиёсат масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, рақамли трансформация жараёнидаги техник ва тартибга солиш тўсиқлари, киберхавфсизлик ҳамда иқлимга чидамлилик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Иштирокдан масъулиятга: аёллар ва ёшларни оқилона бошқарувга жалб қилиш” мавзуидаги сессияда очиқ маълумотлар ҳамда очиқ бошқарув орқали фуқаролик жамияти иштироки, жумладан, аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

“Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури ва Глобал Ипак йўли: минтақаларни туризм орқали боғлаш” номли сессияда сайёҳлик соҳасида минтақавий интеграция, мувофиқлаштирилган сиёсатлар ва барқарор туризм амалиётларини жорий этиш масалалари ҳақида сўз борди.



“Марказий Осиёда сифатли ва барқарор тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш” мавзуидаги сессияда капитал бозорларини ривожлантириш, инвесторларни ҳимоя қилиш ҳамда “яшил” энергия, рақамли инфратузилма ва логистика соҳаларига инвестицияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, “Маълумотлар ва сунъий интеллект орқали молиявий инклюзивликни қўллаб-қувватлаш” борасидаги сессияда финтех соҳасидаги инновациялар ва сунъий интеллектнинг молиявий хизматлар қамровини кенгайтиришига алоҳида урғу берилди.

Кун тартибига кўра бошқа сессияларда ҳам долзарб мавзулар муҳокамаси давом этмоқда.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Масато КАНДА,
Осиё тараққиёт банки президенти:

— Мазкур сессияларда кўтарилган масалалар жуда жиддий. Осиё ва Тинч океани минтақасида бардошли ва инклюзив ўсишни таъминлаш учун трансчегаравий ўзаро боғлиқликни янада кучайтириш зарур. “Биргаликда ривожланиш учун биргаликда ҳаракат қилиш” тамойили бугунги куннинг асосий талабидир. Жаҳондаги фрагментация жараёнлари шароитида анъанавий ва яккаланган ёндашувлар самара бермайди. Шу боис чуқур интеграциялашган ҳамда бардошли тизимларни шакллантириш муҳим. Энергетика, логистика ва рақамли тармоқлардаги силкинишлар барча минтақаларга таъсир кўрсатмоқда. Бу эса миллий чегаралардан ташқари чиқадиган мувофиқлаштирилган минтақавий ечимларни талаб қилади.

ОТБ ушбу чақириқларга жавобан инвестицияларни кенгайтириб, ислоҳотларни жадаллаштирмоқда. Ўтган йили банк 29,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, 70 млрд. долларлик янги дастур ишга туширилди. Ушбу дастур Осиё ва Тинч океани минтақасида умумий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамловчи минтақавий тизимларни яратишга қаратилган. ОТБ Яқин Шарқдаги давом этаётган можаро шароитида ўз аъзо мамлакатларига инқирозга қарши ёрдам кўрсатиш бўйича тезкор чоралар кўрди. Зарарланган давлатларга молиявий ёрдам таклиф қилган биринчи ривожланиш ҳамкори бўлди. Ушбу мамлакатлар яқин келажакда иқтисодий босимнинг янада кучайишига дуч келиши кутилмоқда.

ОТБнинг ишлари ҳали якунига етгани йўқ. Банк ўзининг ноёб минтақавий мандати, операцион имкониятлари ҳамда молиялаштирувчи ташкилот, маслаҳатчи ва ресурсларни сафарбар қилувчи сифатидаги ролидан фойдаланиб, хусусий сектор маблағларини ривожланиш учун жалб этиш ва атроф-муҳит деградациясини бартараф қилиш каби вазифаларни ҳал этади. Олдинда турган ишлар ниҳоятда катта, мақсадимиз аниқ. Бизда стратегия, ресурслар бор. Биргаликда мақсадларимизга эришамиз.

Сигео СИМИДЗУ,
Осиё тараққиёт банки директорлар кенгаши ижрочи директори:

— Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар узоқ йиллик тарихга эга. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ўзаро ишонч ва амалий шериклик тамойиллари асосида янада мустаҳкамланмоқда. Осиё тараққиёт банки доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам ушбу ҳамкорликнинг амалий ифодасидир. Айниқса, қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги ташаббуслар ва япон компанияларининг жалб этилиши барқарор ривожланиш йўлида муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев нутқида сунъий интеллект соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам эътирофга сазовор. Япониянинг илғор тажрибаси ва Ўзбекистон билан ушбу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтиришга интилиши истиқболли йўналишлардан биридир. Япония томонидан молиявий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кучайтиришга қизиқиш икки давлат муносабатлари янги босқичга чиқиб бораётганидан далолат беради.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

САМАРҚАНД ТАШАББУСЛАРИ МИНТАҚАМИЗ ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистоннинг энг йирик ҳамкорларидан бири ҳисобланади. ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик қарийб 35 йиллик тарихга эга. Бу даврда инфратузилмани ривожлантиришга, хусусан, йўл қурилиши, энергетика, электр тармоқлари, сув хўжалиги ва бошқа муҳим йўналишларга катта эътибор қаратилди.

Нуқтаи назар



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши ОТБнинг барча иштирокчилари ва ҳамкорлари учун Ўзбекистондаги бугунги вазиятни яхшироқ англашга хизмат қиладиган муҳим майдон бўлди. Бу ҳамкорликнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ва келгуси лойиҳаларни биргаликда режалаштириш учун замин яратади. Натижада ОТБ ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик келажакда қандай ривожланиши кераклиги ҳақида янада аниқроқ тасаввур шаклланади.

Рақамларга эътибор беринг: кейинги беш йил ушбу нуфузли молиявий тузилма мамлакатимизга самарали лойиҳаларни молиялаштириш учун 5,4 миллиард доллар ажратган. Ҳукумат ва бошқа ҳамкорлар билан бирга банк “яшил” иқтисодиётга ўтиш, хусусий секторни ривожлантириш ва инсон капиталига йўналтирилаётган сармояни рағбатлантиришга кўмаклашмоқда.

Президентимиз ушбу нуфузли йиғилишда иштирок этиб, ўз нутқида ўта муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. Минтақавий боғлиқликни янги босқичга олиб чиқувчи, сунъий интеллектдан тортиб “яшил” энергетикагача бўлган кенг қамровли ташаббуслар минтақанинг глобал иқтисодиётдаги ролини тубдан ўзгартиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Илгари сурилган инқилобий таклифлар

Ўзбекистон банкнинг “Осиё учун рақамли магистраль” ташаббусига қўшилиш баробарида, Тошкентда унинг минтақавий мувофиқлаштириш марказини очишни таклиф этди. Бу қадам Ўзбекистоннинг минтақавий технологик лидерликка интилишини ва рақамли иқтисодиётга ўтиш стратегик устуворлик эканини англатади.

Ўзбекистон энергетика соҳасида улкан мақсадларни белгилади. 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Бироқ энг муҳим геосиёсий лойиҳа, бу Марказий Осиё — Европа яшил энергетика коридоридир. Ушбу “энергетик артерия” минтақада ишлаб чиқарилган тоза энергияни глобал бозорларга экспорт қилиш имконини беради ва Марказий Осиёни Европанинг энергия хавфсизлиги тизимига интеграция қилади.

Халқаро логистикадаги мураккабликлар шароитида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши ҳаётий заруратга айланди. Ушбу лойиҳа юкларни етказиб бериш муддатини 10 кунгача қисқартиради. Бундан ташқари, “Рақамли божхона ва логистика альянси”нинг ташкил этилиши чегаралардаги бюрократияни камайтириб, савдо айланмасини бир неча баробар оширади.

Яна бир жиҳат. Ўзбекистон фақат фойдали қазилмаларни сотиш билан чекланмоқчи эмас. Президентимиз ОТБнинг “Критик минералдан — ишлаб чиқаришга” дастурига қўшилиш муҳимлигини қайд этди. Мақсад минералларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар чиқаришдан иборат. Бу иқтисодиётни хомашё қарамлигидан қутқариш ҳамда юқори технологик саноатни ривожлантириш дегани.

Иқлим ўзгаришига қарши курашда “Марказий Осиё яшил белбоғи” лойиҳаси минтақавий экотизимни ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, “Марказий Осиё туризм ҳалқаси” ташаббуси минтақани ягона сайёҳлик бренди остида бирлаштиради. Зиёрат, маданий ва гастрономик объектларни ўз ичига олган бу ҳалқа минтақанинг иқтисодий жозибадорлигини оширишда муҳим драйвер бўлади. Ушбу улкан лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш учун давлатимиз раҳбари Инновацион молиялаштириш платформасини шакллантиришни таклиф этди. Бу тизим хусусий капитални сафарбар қилиш ва минтақавий лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмларини яратиш имконини беради.

Самарқандда билдирилган таклифлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Марказий Осиёни ягона иқтисодий, рақамли ҳамда энергетик макон сифатида кўрмоқда. Ташаббуслар ОТБ билан ҳамкорликда амалга оширилса, минтақа нафақат ўз муаммоларини ҳал қилади, балки глобал барқарорлик ва тараққиётнинг ажралмас бўлагига айланади.

> *“Нуфузли саммит фақат Ўзбекистон учун эмас, аксинча, бутун Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга воқелик сифатида тарихга кирди. Йиғилишнинг бош мавзуси — “Тараққиёт чорраҳалари: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажагини илгари суриш” деб номланди.”*

Энг мақбул халқаро платформа

Таъкидлаш жоизки, нуфузли саммит фақат Ўзбекистон учун эмас, аксинча, бутун Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга воқелик сифатида тарихга кирди. Йиғилишнинг бош мавзуси — “Тараққиёт чорраҳалари: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажагини илгари суриш” деб номланди. Бу бежиз эмас. Глобал геосиёсий ҳамда иқтисодий ўзгаришлар даврида логистика занжирларини тиклаш ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий боғлиқликни кучайтириш энг устувор вазифага айланди. Самарқанд форуми ушбу муаммоларни муҳокама этиш учун энг мақбул халқаро платформа бўлиб хизмат қилади.

Беш кунлик саммит ўз кўлами ва иштирокчилар таркиби билан ажралиб туради. 100 дан ортиқ мамлакатлар делегациялари, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки каби етакчи молиявий институтлар раҳбарлари, 4 мингдан зиёд делегатлар, жумладан, трансмиллий корпорациялар топ-менежерлари ва нуфузли экспертлар фикримизни тасдиқлайди. Бундай юксак даражадаги иштирок Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси ва ислоҳотлар йўлидаги изчиллигига берилган юксак баҳодир.

Маълумот учун, Ўзбекистон 1995 йилдан буён ОТБ аъзоси сифатида банк билан жуда самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. Бугунги кунда лойиҳалар портфелининг умумий ҳажми қарийб 16 миллиард долларни ташкил этиши бу шериклликнинг нақадар салмоқли эканидан далолат беради. Шунингдек, “яшил” энергетика, транспорт, рақамли трансформация, таълим ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Суверен бўлмаган молиялаштириш механизмлари фаол жорий этилмоқда. Самарқанд саммити эса Осиё қитъасининг келажакдаги иқтисодий харитасини белгилаб беришда муҳим қадам бўлади.

Сир эмас, дунёдаги таҳликали вазият ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ҳозирги кунда жаҳондаги мураккаб геосиёсий вазият, глобал иқтисодиётдаги беқарорлик, озиқ-овқат ва энергия ресурслари танқислиги, камбағаллик, экология муаммолари тобора ўткир тус олиб бормоқда.

Масалан, ўртача глобал ҳарорат 2040 йилга қадар 1,5 даражага ортиши прогноз қилинган эди. Лекин ҳозирги вазиятда бу ҳолат 2030 йилдаёқ юз бериши мумкинлиги жиддий хавотирга соляпти. Дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми тоза ичимлик суви муаммосига дуч келаётир. Иқлим ўзгариши суръатлари тезлашиши оқибатида озиқ-овқат танқислиги глобал хавфга айланди. Натижада дунёда 800 миллионга яқин аҳоли ўта оғир камбағаллик шароитида яшаяпти. Турли минтақаларда авж олаётган зиддиятлар боис анъанавий логистика йўналишлари мутлақо ўзгармоқда. Маҳсулот етказиш занжиридаги узилишлар хомашё ва истеъмол товарларининг қимматлашишига сабаб бўлаётир.

Буларнинг барчаси мавжуд инфратузилмага юкламани кескин оширади ва глобал иқтисодий тараққиётга катта тўсиқ бўлади. Булар барча мамлакатларнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишини қийинлаштирмоқда. Бундай шароитда глобал хавф-хатарлар оқибатларини юмшатиш, барқарор ўсиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашда халқаро молия ташкилотларининг роли янада ошиб бормоқда. Бу борада Осиё тараққиёт банки улкан лойиҳалар портфели билан нафақат минтақа, балки жаҳон миқёсидаги энг нуфузли молия ташкилотларидан бирига айланганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Глобал муаммоларга замонавий ёндашувлар

ОТБ бошқарувчилари олдида янги лойиҳа ҳамда дастурларни муҳокама қилиш каби масъулиятли вазифалар турибди. Анжуманда қабул қилинадиган қарорлар банкка аъзо мамлакатларда яшайдиган 6 миллиарддан зиёд аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қилади.

Йиллик йиғилишнинг ўтказилиши ОТБнинг барча иштирокчилари ва ҳамкорлари учун Ўзбекистондаги бугунги вазиятни яхшироқ англашга хизмат қиладиган муҳим майдондир. Бу ҳамкорликнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ҳамда келгуси лойиҳаларни биргаликда режалаштириш учун замин яратади. Натижада ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик келажакда қандай ривожланиши кераклиги ҳақида янада аниқроқ тасаввур шаклланади.

Муҳиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори.

Мамлакатимизда 2032 йил якунига қадар гидроэнергетика соҳасида 3 266 МВт қўшимча қувватларни яратиш орқали гидроэнергетика қувватларини 2,4 бараварга ошириш режалаштирилган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 6 май

ИЛМ БИЛАН ЯШНАГАН УМР

Халқимиз топиб айтган ажойиб бир нақл бор: “Маърифат инсонларни бирлаштиради ва тенглаштиради”.

Дарҳақиқат, чин маърифат инсонни кибру ҳаводан, шахсий манфаат ҳамда ғаразлардан йироқ қилиб, уни поклик ва самимият сари етаклайди. Зиёлилик белгиси ҳам айнан шунда — илм-салоҳиятни инсоният манфаати йўлида қўллай билиш, қалбларга нур улашиш ва ижобий ўзгаришларга туртки беришда намоён бўлади.

Яхшилар ёди

Шу маънода, киши бир нечта диплом ва илмий даражаларга эга бўлишидан қатъи назар, агар унинг юрагида самимият ва меҳр бўлмаса, у зиёлилик даражаси ва мақомига ета олмайди. Зотан, чин зиёли киши эзгу амаллари, қолдирган асарлари билан ҳатто юзма-юз учрашмаган одамларнинг ҳам қалбида илҳом уйғота олади.

Атоқли математик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Азимбой Саъдуллаевни эслаганда, том маънодаги зиёли инсоннинг қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Сабаби, у ҳаётини илм-маърифатга, таълимга бахшида қилиб, инсонийлик рутбасини улуғ тутди, кўплаб шогирдлар тарбиялаб, ўзидан бой илмий мерос қолдирди.

Устознинг ҳаёти бизга шуни англатадики, олим киши ўзидаги юксак илмий салоҳиятга одамийлик фазилатларини уйғунлаштира олса, унинг номи ҳам, мероси ҳам абадиятга муҳрланади. Азимбой Саъдуллаев ана шундай ҳаётлик чоғида ўзига ҳайкал қўя олган сиймолардан бири эди.

Математика фанига чексиз меҳрни, таълимга садоқатни, ёшларга билим беришда сабр-тоқатни, илм йўлида матонатни шу инсондан ўрганиш керак, назаримизда. Олим формулалар ортида бир дунё мантиқ, тартиб ва гўзаллик мужассам эканини кўрсата олган ноёб истеъдод соҳиби эди. Буни шогирдларига математикани рақам ва белгилар йиғиндиси эмас, тафаккурни тарбиялайдиган, инсонни аниқ ҳамда тўғри фикрлашга ўргатувчи олий фан сифатида тушунтира олгани мисолида кўриш мумкин.

А. Саъдуллаевнинг илмий фаолияти кўп комплекс аргументли функциялар назариясига бағишланган. Унинг фундаментал тадқиқотлари илмий мақолалар шаклида хорижнинг нуфузли журналларида нашр қилинган, дарслик ва монографияларга киритилган.

Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги оддий ишчи-деҳқон оиласида дунёга келган Азимбой кун келиб, дунё илм-фани намояндалари тан олган етук олим бўлиб етишишини кўпчилик хаёлига ҳам келтирмаган бўлса, неажаб. Бироқ унинг ҳаёт йўли илм ва маърифат сари интилган кишига толе ёр бўлишининг ёрқин намунасига айланди.

Олимнинг илм-фан ривожига қўшган энг муҳим илмий ҳиссаларидан бири — кўп комплекс аргументли функциялар назарияси ривожига янги нуқтаи назар олиб кирганидир. У америкалик таниқли олимлар Э. Бедфорд ва В. Тайлор билан ҳамкорликда “Комплекс потенциаллар назарияси” асосларини шакллантиришда бевосита иштирок этди. Бу йўналиш мураккаб математик масалаларнинг ечимида самарали восита бўлиб хизмат қилди.

Устоз юксак ташкилотчилик қобилиятига эга маҳоратли мураббий, фидойи раҳбар сифатида ҳам ўз даврида катта обрў қозонган эди. У 1992 йилдан Урганч давлат университети ректори, кейинчалик эса 1997 йилдан бошлаб (1997 — 2002, 2004 — 2007) янги ташкил этилган Маъмун академияси раиси сифатида фаолият юритди. Қайси лавозимда ишламасин, унинг бош мақсади — ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, илмий муҳитни жонлантириш бўлган.


Азимбой Саъдуллаевнинг ҳаётини фаолиятининг кейинги босқичи илмга содиқлик, фидойилик ва моҳир устозлик фазилатлари янада безади. 2007 йилдан то умрининг сўнгига қадар Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетида фаолият юритиб, талабаларга математик анализнинг мураккаб масалаларини, илмий тафаккур, интизом ва меҳнатсеварлик руҳини сингдирди. У мураккаб назарияни содда, ҳаётий мисоллар орқали етказиб бериш маҳорати билан талабалар меҳрини қозонган эди. Айниқса, профессор сифатидаги фаолияти ёшларни илмга ошно этиш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва илмий тафаккурга йўл кўрсатиш мактаби бўлди. Домланинг бевосита раҳбарлигида 6 нафар фан доктори ва 15 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиққани, кўплаб шогирдлари дунёнинг турли давлатларида ўзбек математикларининг юксак салоҳиятини намоён этиб келаётгани фикримиз тасдиғидир.

Академик нафақат юртимиз, балки бутун дунё илмий ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлган улкан олимлардан бири эди. У мамлакатимизда кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилаётган йирик илмий йўналиш — “Функциялар назарияси” мактабининг асосчиси. Айниқса, устознинг илмий қарашлари ва изланишлари замонавий математикада энг долзарб йўналишлардан бири — “Плюрипотенциаллар назарияси”ни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бу назария кўп комплекс аргументли функцияларни чуқурроқ ўрганиш, уларни янги усуллар билан таҳлил қилиш ва у орқали мураккаб масалаларга янгича ёндашувни таклиф этиш имконини берди. Содда қилиб айтганда, унинг бебаҳо илмий мероси туфайли “Плюрипотенциаллар назарияси” бугунги кунда математик таҳлил ҳамда замонавий функционал анализнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Олимнинг илмий фаолияти шунчаки назарий натижалар эмас, янги илмий мактаб, янги авлод математикларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Устоз ўзбек илм-фанининг тарихий илдизларини ўрганиш, улуғ алломаларимизнинг илмий меросини тиклаш ва уларни замонавий фан билан уйғунлаштириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширган. Хусусан, у буюк аждодларимиз — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний каби мутафаккирларнинг илмий фаолияти, уларнинг математика, астрономия ва табиий фанларга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида чуқур изланишлар олиб борган.

Азимбой Саъдуллаевнинг яна бир энг йирик ташаббусларидан бири АҚШ ва Ўзбекистон математиклари ўртасида халқаро илмий конференцияларни йўлга қўйганидир. Ҳар икки йилда навбатма-навбат икки мамлакатда ўтказилиб келинаётган мазкур анжуманлар нафақат ўзбек математика мактабининг салоҳиятини дунёга танитди, балки мамлакатимиз фанининг халқаро майдондаги ўрнини кучайтиришда муҳим омил бўлди. Бу



каби саъй-ҳаракатлар пировардида Ўзбекистонда янги математика мактаби шаклланиши ва ривожланишига мустаҳкам замин яратди. Қувонарлиси, унинг ташкилотчилик қобилияти ва фидойилиги натижасида бошланган анъаналар бугун ҳам бардавом.

Дўсту биродарлар Азимбой Саъдуллаевни чин инсон сифатида алоҳида қадрлайди. Чунки у дўстлар учун борини беришга тайёр содиқ ва танти киши эди. Уларнинг ютуқларини кўрганида худди ўзи муваффақият қозонгандек севинар, қўлидан келган ёрдамини аямасди.

Олим ана шундай инсоний фазилатлари билан ҳам эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. Ундаги самимият, Ватанга чексиз муҳаббат илм аҳли, айниқса, ёш авлод учун ибрат намунаси бўлиб қолади. Ватан тараққиёти ва илм-фан ривожига қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан эътироф этилиб, 2000 йилда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони, 2020 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган эди.

Шу кунларда ўзбек илм-фани, хусусан, математика илмида муносиб из қолдирган етук олим Азимбой Саъдуллаевни нафақат математика илми вакиллари ва шогирдлари, балки кенг жамоатчилик чуқур ҳурмат ҳамда чексиз эҳтиром билан ёдга олмоқда. Зеро, унинг беназир асарлари, ўлмас ғоялари Янги Ўзбекистон математика мактабини дунёга янада кенгроқ танитиш, инновацион илмий янгиликлар яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, устознинг ҳаётий ва илмий меросини давом эттириш — бу нафақат бурч, балки биз учун улкан шараф ҳамдир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор,
Бакриддин ЗАРИПОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, Жаҳон физиологлар жамияти (Стокгольм) академиги.

Эътироф

ЮРТИМИЗ ТАЛАБАЛАРИ ҒОЛИБЛАР САФИДА

Яқинда Россия Федерациясининг Кострома давлат қишлоқ хўжалиги академиясида “Ёшлар ва фан: қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш” мавзуидаги 77-халқаро талабалар илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Турли университетлардан 400 нафардан ортиқ талабалар қатнашган анжуманда иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Муҳаммадали Саидов раҳбарлигидаги Тошкент давлат аграр университетининг иқтидорли талабалари ўзларининг долзарб мавзулардаги илмий маърузалари билан иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади.

Жумладан, 2 нафар талаба ўз йўналишлари бўйича 1-ўринни қўлга киритиб, энг яхши илмий иш муаллифи, деб топилди ва I даражали диплом билан тақдирланди. Яна 4 нафари фаол иштироки ва юқори илмий савиядаги маърузалари учун эътироф этилиб, рағбатлантирилди. Ушбу ютуқ юртимизда ёшлар илмий салоҳиятини оширишга қаратилаётган юксак эътиборнинг самарасидир.

Халқаро конференция қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, агробизнес, технологик жараёнларни механизациялаш ва иқтисодий самарадорлик каби кенг кўламли соҳаларни қамраб олди. Якунда энг яхши деб топилган илмий ишлар “Фан ва технологиялар ривожланишининг долзарб масалалари” номли электрон тўпламда нашр этилиши белгиланган.

«Халқ сўзи».

Тадбир

«МОЗИЙГА ҚАЙТИБ»

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий уй-музейида “Мозийга қайтиб” номли кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “O‘zbekligim-o‘zligim” ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир миллий қадриятларни тарғиб қилиш, аждодлар меросини ёш авлодга етказишда муҳим ўрин тутмоқда.



Тадбирлар дастури доирасида “Ипак сеҳри” миллий либослар намойиши ҳамда қадимий Туркистон сўзана ва миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу йўналишда 70 дан ортиқ анъанавий кийимлар намуналари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

Шу билан бирга, буюк адиб Абдулла Қодирийнинг машҳур “Ўткан кунлар” романи нашрининг 100 йиллигига бағишланган адабий-маърифий мулоқот ҳам ташкил этилди. Унда адиб ижодининг ўзбек адабиётидаги ўрни, романнинг тарихий-бадиий моҳияти, миллий ўзликни англашдаги аҳамияти ҳамда жадидчилик ҳаракати билан боғлиқлиги илмий асосда таҳлил қилинди.

Мулоқотда ёш ижодкорлар ўз чиқишлари билан қатнашиб, адабиёт ва санъатга оид фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу тадбирнинг жонли ва интерфаол руҳда ўтишини таъминлади.

Тадбирнинг якуний босқичи сифатида ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйинида 15 га яқин жамоалар қатнашди. Ўйин саволлари, асосан, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди, “Ўткан кунлар” романи, жадидчилик ҳаракати ҳамда ўзбек адабиёти тарихига оид билимларни қамраб олди. Беллашув якунларига кўра ғолиб жамоа аниқланиб, унинг ҳар бир аъзоси рағбатлантирилди.

Шоҳсанам ЙЎЛДОШЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

1 Вокзалда янги поезднинг дастлабки қатновига бағишланган тантанали тадбирда таъкидланганидек, “Жалолиддин Мангуберди” поездларининг Тошкент ва Хива шаҳарлари орасида мунтазам қатнаши нафақат юртимиз аҳолиси, балки хорижлик сайёҳлар учун ҳам пойтахтни бу қадимий шаҳар билан боғлашда катта қулайликларни яратади. Поезд Тошкентдан ҳаракатлангач, “Самарқанд”, “Бухоро” ҳамда “Урганч” темир йўл вокзалларида тўхтаб, сўнг “Хива” вокзалигача боради.

Бугунги кунда тезюрар поездларимиз Тошкентдан Хивагача масофани 14 соатда босиб ўтаётган бўлса, “Hyundai Rotem” поездлари Тошкентдан Хивагача бўлган 1 минг 22 километрлик масофани 7 ярим соатда босиб ўтади.

250 километр тезликда ҳаракатлана оладиган замонавий поездлар Ўзбекистон шароитига мос равишда шакллантирилди. Поездлар таркибининг узунлиги 175 метр, 7 та вагондан иборат, ўриндиқлар сони 389 тани ташкил қилади.

“Hyundai Rotem” компаниясининг юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлари мамлакатимизнинг иқлимига тўлиқ мослаштирилган.

Тантанали тадбирдан сўнг “Жалолиддин Мангуберди” поезди дастлабки йўловчилар ва меҳмонлар билан Тошкентдан қадимий Хива шаҳри томон ҳаракатланди. Йўл давомида илк қатновнинг йўловчилари, меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учқур поезд қулайликлари, замонавий шароитлари ҳамда юқори тезликда ҳаракатланиш имкониятларини ўз кўзлари билан кўришди. Поезд етти ярим соатда “Хива” вокзалига муваффақиятли етиб келди ва янги поезднинг дастлабки рейси тантанали кутиб олинди.


Янги авлод поездларининг юртимиз пўлат изларида ҳаракатланиши соҳадаги ислоҳотларнинг амалий ифодаси бўлиб, нафақат аҳолига қулайлик ҳозирлаш, балки туризм салоҳиятини ошириш имконини беради.

«Халқ сўзи».

ЁШ ЭКОЛОГЛАР ТАЙЁРЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Давлат экологик экспертизаси маркази ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда марказ мутахассислари ўз фаолияти, асосий вазифалари ва экологик экспертизанинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида маълумот берди.

Таълим



Таъкидланганидек, экологик экспертиза ҳар қандай лойиҳанинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига эҳтимолий таъсирини баҳолашда муҳим ўрин тутади, экологик хавфларни олдиндан аниқлаш имконини яратади.

Мулоқотда замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга эколог кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири экани қайд этилди. Халқаро ҳамкорлик, замонавий технологиялар, маълумотлар таҳлили ва экологик моделлаштириш соҳасида юқори салоҳиятли, хорижий тилларни биладиган мутахассисларга эҳтиёж ортиб бораётгани таъкидланди.

— Мамлакатимизда “Яшил макон”, “Эко-маданият” ва “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда, — дейди Давлат экологик экспертизаси маркази бош директори Ғайрат Муҳамедов. — Ушбу ташаббуслар орқали яшил ҳудудлар кенгайиб, ҳаво сифати яхшиланмоқда, экологик таълим янада ривожланмоқда. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчати экиш, 2030 йилга қадар юртимизда яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу жараёнда талабаларнинг фаол иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

Учрашувда томонлар экологик кадрлар тайёрлашда дуал таълимни ривожлантириш, талабаларни амалий лойиҳаларга жалб қилиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олди. Шу муносабат билан икки томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбир доирасида университетнинг Ботаника боғида кўчат экиш акцияси ташкил этилди. Бу эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ғоялари амалиётга кўчаётганининг ёрқин кўриниши бўлди, албатта. Шунингдек, бир гуруҳ экофаол профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг “яшил” ташаббуслари эътироф этилиб, улар муносиб тақдирланди.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — Малайзия:

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

1 Марказ ўз фаолиятини бошлаган дастлабки даврданоқ Малайзиядаги қатор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда турли халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келади. Жумладан, шу пайтга қадар муассаса томонидан Малайзияда Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаёти ҳақида икки маротаба йирик фотокўргазма ўтказилди. Марказ вакиллари ушбу дўст мамлакатда ўн маротабадан ортиқ хизмат сафарларида бўлиб қайтди. Малайзияликлар ҳам юртимизда ўтаётган халқаро анжуманларда мунтазам қатнашиб келади.

— 2025 йил февраль ойида Президентимизнинг Малайзияга давлат ташрифи доирасида Куала-Лумпурда халқаро конференция, қатор учрашувлар, кўргазмалар, давра суҳбатлари ва тақдимотлар ўтказдик, — дейди Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухолиқов. — Малайзиядаги қатор илмий-маърифий муассасалар билан меморандумлар имзоладик. Ислом санъати музейи марказимизнинг доимий ҳамкорларидан бири саналади. Ўтган йили Президентимиз сўзбошиси билан “Ўзбекистон маданий мероси” лойиҳаси доирасида мазкур музейда сақланаётган Ўзбекистонга оид артефактлар ҳақида махсус китоб-альбом чоп этилди. Умид қиламизки, ўзаро илмий мулоқотлар, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар муштарак маданиятимиз ва тарихимизни теранроқ англашга, турли цивилизациялар ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришга хизмат қилади.



Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Администрацияси департамент бошлиғи Музаффар Комилов, Малайзия олий таълим вазири Датук Сери Дираджа Замбри Абдулқодир, Ўзбекистон олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов, Туркиянинг Ибн Халдун университети профессори Алпарслан Ачикгенч ҳамда бошқалар Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигининг истиқболлари, ислом цивилизацияси меросини тадқиқ этишдаги муҳим масалалар, илмий-маърифий алоқаларни ривожлантириш бўйича тўхталиб ўтди.

— Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бугунги кунда ислом маданияти, тарихи, меросини жаҳон миқёсида ўрганишда катта аҳамият касб этади, — деди Малайзия қироличаси Ража Зарита София. — Зотан, бугунги кунда исломий меросни ўрганиш, унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини белгилаш ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон — буюк алломалар юрти, бу заминдан етишиб чиққан алломалар мероси бугунги кунда ҳам ислом оламида ўқиб-ўрганилмоқда. Уларнинг илмий меросини кейинги авлодларга ҳам етказиш, асарларида илгари сурилган умуминсоний ғояларни ҳаётимизда кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратишимиз керак. Бу борада икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик кутилган самараларни беришига ишонаман.

Шундан сўнг Малайзия ва Ўзбекистондаги қатор илмий-маърифий муассасалар, олий ўқув юртлари ўртасида меморандумлар имзоланди.

“Илм ва унинг таърифлари, анъанаси”, “Мусулмон дунёсида илм-фан таълими”, “Замонавий даъватлар ва илмий парадигмалар” сингари мавзулардаги шуъба йиғилишларида ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар ҳамда тадқиқотчилар ўз илмий маърузалари билан қатнашди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази биносида ўтказилган экскурсиялар, музей экспозициялари билан танишув меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи».

2030 йил якунига қадар мамлакатимиздаги барча давлат тиббиёт муассасалари фаолияти босқичма-босқич мажбурий лицензияланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6